

Бошланғич Синф Ўқувчисининг Информатика Элементларини Ўрганиши Бўйича Ўқув Фаолияти Тузилмаси

Б. Е. Сабыров¹

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчисининг информатика элементларини ўрганиши бўйича ўқув фаолияти тузилмаси ва унинг ташкил этувчилари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: информатика, компьютер, алгоритм, тузилма, дастурий воситалар, бошланғич синф, ўқув фаолияти.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Бу борадаги энг катта соҳалардан бири таълимдир. Уни изчил ривожлантириш мақсадида, маъмурий ислохотлар доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ташкил этилди. Тизимни таркибий мақбуллаштириш, замонавий дастурларни жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 22 май куни мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган таклифлар тақдими билан танишганлигини ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

Ушбу ташрифнинг бевосита амалий натижаси сифати “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги ПФ-79-сон Фармони қабул қилинди [1].

Мактабгача ва умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш, унинг сифатини ошириш ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилиши, унга мувофиқ 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синфларида информатика фани, ўрта синфларда эса ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар жорий этилишига қаратилган ишлар Фармоннинг 2-бандида вазифа сифатида белгилаб берилди.

Ҳукуматимиз раҳбари томонидан қўйилган мазкур вазифаларни ижобий ва самарали ечиш йўлида бошланғич синф ўқувчисининг информатика элементларини ўрганишга қаратилган ўқув фаолият тузилмасини таклиф сифатида бермоқдамиз.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш, таълимнинг ихтиёрий тизимини ишлаб чиқишда етакчи масалалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида [2] таъкидлаганидек, таълим бу таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Ўқув фаолиятини мақсадга мувофиқ ўрганишнинг долзарблиги информатика таълимига ўтишда қайси ўқув фаолиятини бошқариш ва бу фаолиятга қандай дастурий воситаларини жалб этиш мумкинлигини аниқ тасаввур этиш кераклиги билан белгиланади.

¹ Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди



Таълим оловчи ўқув фаолиятининг нафақат субъекти (объектив дунёни идрок этувчи онгли шахс) бўлиб қолмасдан, балки ўз навбатида унинг объекти ҳам саналади. Д.Б.Эльконин таъкидлашича, фаолиятнинг мақсади ва натижаси ҳаракатнинг муайян усулларини эгаллашдан иборат, субъект таъсир қиладиган буюмларнинг ўзгариши эмас, балки объектларнинг ўзи ўзгаришидир [3].

Бошланғич синф ўқувчиларнинг информатика элементларини ўрганишига мўлжалланган ўқув фаолияти тузилмасини ишлаб чиқишда, мавжуд ўқув фанлари дастури талаблари, шунингдек, дастурий воситалари асосида ишлаб чиқилган дастлабки билимлар мажмуи тизимларининг белгиланган компонентларига, таълимнинг бошланғич бўғинида информатика ва ахборот технологияларни жорий қилишнинг асосий талабларига таянилади.

Тузилма фаолиятнинг уч турини ўзида мужассам этади, булар ривожланувчи тафаккур ва нутқ, ахборот-ўқув ҳамда ташкилий-ўқув фаолиятлари.

Ривожланувчи тафаккур ва нутқ

Ўқувчиларнинг шартлар тарзида қўлланилувчи мулоҳаза шаклларини эгаллаб олиши. Бунинг учун турли катталиклар (бўйи, оғирлик (вазн), баландлик,...) орасидаги турли муносабатлардан (кам, кўп, паст, баланд,... хилдаги) фойдаланиш. “Ва”, “ёки” боғловчиларни ва “эмас” юкламасини математик мантиқнинг мос амаллари маъносида ишлатиш.

Бошланғич синфларда “кўп”, “кам”, “тенг” тарзидаги математика курсининг тушунчаларини шакллантириш уларни шартлар тарзида қўллашда акс этмайди. Буни дарслик саҳифалари ва ўқитиш методикасига доир қўлланмаларда процедура шаклидаги жавобга эга масалаларнинг берилмагани, бундай масалаларни ечиш натижасида таҳмин қилинган жавоб сон ёки сонларга эга бўлиш кўзда тутилмагани, балки кўрсатма (алгоритм) шаклида бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Бундай масалалар билан ўқувчилар фақат юқори синфда параметрлар билан боғлиқ масалалар ечганда танишади ва бу параметрлар ёрдамида вариациялашда вужудга келадиган турли-туман ҳолатларни санаб чиқишни жавоблар орқали ифодалайдилар.

Бошланғич синфларда процедурали жавобга оид масалаларни жорий қилиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бойишига кўмаклашади. Масалаларнинг бу синфи реал вазиятларни сезиларли даражада тўлиқ ва чуқур ифодалайди, уларни ечиш ўқувчилардан алгоритмик тафаккур услубини эгаллашни талаб қилади.

Бундай масалалар учун ечимни ифодалашда маълум тузилмани танлаш муҳим аҳамият касб этади. Умуман, бундай тузилмалар анчагина кўп бўлиши мумкин. Лекин, айти пайтда информатика таълимига тайёрлашга қаратилган мақсаддан келиб чиқиб, информатика ўқув фанида ўрганилаётган алгоритмик тил тузилмасига мос равишда иш кўриш лозим ҳисобланади.

Ахборот-ўқув фаолияти

Таълимнинг бошланғич бўғинига информатика ва ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқувчилар ахборот-ўқув фаолиятининг мазмунини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ахборот-ўқув фаолиятининг асосий хусусиятларни ўзида акс эттирувчи учта муҳим омилни белгилаймиз:

1. Керакли материални топиш ва ўрганиш учун дарслик матни ёки компьютерга мурожаат қилиш. Кичик мактаб ёшидан бошлаб компьютерга “ўйин автомати” эмас, балки ўқув жараёнининг зарурий воситаси сифатида қараш лозим. Ўйин дастурларга кўпроқ урғу бермасдан, ўйин элементларини ўзида мужассамлаштирган ўқув дастурий воситалар яратилса ва улардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Компьютер ўйинларининг бола руҳиятига таъсири тўғрисида тўхталадиган бўлсак, “...кичик ёшдаги болалар фикрлаш қобилиятини ўстиришда компьютер ўйинларидан тўғри фойдаланиш муаммоси ҳам мавжуд. Чунки компьютер ўйинлари айнан кичик мактаб ёшидаги болалар руҳий ҳолатига кўпроқ таъсир кўрсатади” [3].



2. Турли берилган топширик ечимларини, дарслик жавоблари ёки компьютердаги тегишли дастурий воситалар ёрдамида амалга ошириш орқали қиёслаш ёки назорат қилиш. Компьютердан фақат восита сифатида фойдаланишни жорий этиш табиий равишда ўқувчини ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади.
3. Бошланғич синф ўқувчилари учун компьютерда тақдим этилиши мўлжалланган ҳар қандай материалнинг берилиш шакли жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун синчиклаб, пухта ўйлаб улар учун қизиқарли шаклда берилган компьютер материали ўқувчиларга уни янада самаралироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, бунда ўқувчиларнинг клавиатура ёки компьютернинг бошқа қурилмаларида амалий иш фаолиятини назардан четга қочирмасдан, уларнинг асосий фаолиятга тўсқинлик қилмаслигини пухта ўйлаш талаб этилади.

Ташкилий-ўқув фаолияти

1. Бошланғич синфда ўқувчиларининг компьютерли таълимини яқка тартибда ўтказиш, тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги босқичда жуда мураккаб масалалардан саналади. Сабаби ўқувчининг компьютер билан мулоқот вақти чегараланган. Шу билан бирга, компьютер мулоқотига киришган ўқувчи таълим жараёнини бутунлай янгича идрок қила бошлашини сезиш мумкин. Баъзи ҳолларда компьютер унинг суҳбатдошига айланади, баъзида эса масалалар ечишда у тайёр воситага айланади (ҳисоблайди, тасвирлайди,...). Муаммо шундан иборатки, ўқувчи компьютерга мурожаат қилиш орқали баъзи фаолият усулларини ўзлаштириши керак, бу ҳолат афсуски, реал ҳаётда ҳамма вақт ҳам кузатилмайди. Шунинг учун унга маълум муддат масала ёки топшириқни компьютер муҳитида бажаришда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун имкон яратиш зарур.

Албатта, ўқувчиларнинг айримлари компьютерда ишлашга жуда тез кўника олади, лекин уларнинг фаолият усуллари ҳар доим ҳам самара беравермайди, масалан, ўқувчи компьютердан фойдаланмоқчи бўлди (унга мурожаат қилди) дейлик, бироқ масала эса ҳали компьютерда ечиш учун тайёр эмас, у компьютерда ечишни тамомлади, лекин натижани ёзмади ва бошқалар.

2. Компьютер муҳитида ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти (бошланғич ҳаракат ва амаллар тақсимоти, ўзаро бир-бирини тушуниш, мувофиқлаштирув ва ўзаро назорат).

Бошланғич синфлар ўқувчилари учун компьютер муҳитидаги ҳамкорлик фаолияти турлича кўринишда бўлиши мумкин. Бу кўпроқ ўқувчилар қайси дастурий воситаси билан ишлашга боғлиқ.

Масалан, ўқувчилар “Crossword” дастурий воситаси билан ишлашга уринди, бунда ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб ишни ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади (битта гуруҳ кроссворд учун сўз танласа, иккинчиси уларга изоҳ беради, учинчиси эса кроссворд тузиш билан машғул бўлади ва бошқ.).

Бошланғич синф ўқувчиларининг информатика элементларини ўрганишга қаратилган ўқув фаолияти муайян тузилмаси, уни амалга оширувчи методик тизим асосида амалга оширилиши лозим. Мазкур омилларга кўра бошланғич синф ўқувчиларини компьютер ва ахборот технологияларини қўллашга йўналтирилган усуллари ишлаб чиқилиши керак.

Ўқув фаолият тузилмасини ишлаб чиқиш ҳам мазкур йўналишда амалга ошириладиган таълимий жараённинг муҳим педагогик омиллари сирасига қиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-79-сон Фармони. // lex.uz/docs/6476175
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. // lex.uz/docs/5013007



3. Эльконин Д.Б. Психология обучения младшего школьника. – М.: Знание, 1975. – 320 с.
4. А.А.Абдукодиров, Г.У.Умарова. Бошланғич синфларда информатика элементларини ўқитиш методикаси. – Т.: “Фан ва технология”, 2016, 72 бет.
5. Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълим тизимида информатикани узвий ўқитишнинг фундаментал асослари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007.
– № 4. – Б. 33-39

